



YOSHLAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

CHINGIZ AYTMATOV TAVALLUDINING 90 YILLIGI OLDIDAN



Сурашлар сўзлар

Мамлакатимизда ўтаётган Қирғизистон Республикаси маданияти кунлари доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида атоқли адиб Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодига бағишланган фотокўргазма очилди.

Экспозиция доирасида кардош халқнинг қўли гул хунармандлари ясаган буюмлар, шунингдек, тарихий ашёлар ҳамда қирғиз миллий чолгулари намойиш этилмоқда.
Чингиз Айтматов ҳаёти-

нинг фотосуратлардаги акси эса, бетақрор лаҳзаларга бой. Улар томошабинга ноёб истезод сохибининг бой ички олами турфа рангларда кўриш имконини беради.

Сардор БЕКЖОНОВ

ТОШКЕНТ БАРЧА СОҲАЛАРДА НАМУНА БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни Тошкент шаҳри Юнусobod туманига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, истиқболдаги режалар билан танишди.

Тошкент шаҳрининг 2018 – 2019 йиллардаги инвестиция салоҳиятига оид маълумотларга кўра, икки йилда пойтахтимизда 417 та лойиҳани амалга ошириш ва бунинг натижасида 25 мингдан зиёд иш ўрни яратиб режалаштирилган. Уларнинг 264 таси санат, 153 таси хизмат кўрсатиш соҳасига тегишлидир. Жорий йилнинг 9 ойида жами лойиҳалар учун 257,5 миллион доллар ҳажмдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган.

2019 йилда 1 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига 181 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш мўлжалланган. Жумладан, Юнусobod туманида 38 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг иқтисодий имкониятлари кенглиги, пойтахтимиз барча соҳада намуна бўлиши кераклигини таъкидлади. Лойиҳаларнинг кафолати, самаралари билан қизиқди. Мутасаддиларга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажмини янада ошириш, янги корхоналар ташкил этиш ва содик тушумини кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Президентимиз Тошкент метрополитени Юнусobod йўналишининг

иккинчи босқич қурилишини кўздан кечирди.

Тошкент шаҳрида аҳоли учун қулай шароит яратиш, сифатли транспорт хизматлари кўрсатиш камровини кенгайтириш ва метрополитен хизматини янада ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Тошкент метрополитени Юнусobod йўналишининг иккинчи босқичи қурилиши қизғин давом этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 9 февраль куни Юнусobod туманида бўлиб, метрополитен қурилиши билан танишган эди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда бунёдкорлик ишларининг боришини кўздан кечирди, қурувчилар билан мулоқотда бўлди.

Тошкент метрополитени 40 йилдан кўпроқ тарихга эга. Метрополитен йўловчи ташишда қулайлик ва хавфсизлик нуқтани назардан энг самарали транспорт воситаси ҳисобланади.

Юнусobod йўналишида қурилаётган метро участкасининг узунлиги 2,9 километр бўлиб, 2019 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган. “Туркистон” ва “Юнусobod” янги метро бекатларидан иборат.

Энг асосий масала пойтахтимиз кўчаларидаги тирбандликнинг олдини олиш. Бунда метро энг қулай воситадир, деди Шавкат Мирзиёев. Бунёдкорлик ишлари бундан кейин ҳам тизимли давом эттирилади.

Айни пайтда ушбу бекатлар ҳамда

улар оралиғида туннель казиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу туннельни ёпиқ усулда казиш учун Германиядан “Herrenknecht” компаниясининг механизацияланган мажмуаси келтирилди. Бу улкан техника май-сентябрь ойлари давомида йиғилди. Соҳа мутахассислари Германияда малака ошириб қайтди. “Кўприк қурилиш” трести унитар корхона томонидан туннель деворларини мустаҳкамловчи тубинглар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

Мажмуа бир суткада 12 метр казиш ва 8 та халқа ўрнатиш имкониятига эга. Бугунги кунгача 350 та халқга етарли конструкциялар захираси яратилган.

Президентимиз ушбу мажмуани кўздан кечирди. Мутасаддиларга метро бекатларининг қўриқилиши ва инфратузилмаси бўйича тавсиялар берди.

Транспорт коммуникацияларини қуришда шаҳарнинг келгуси ривожини ҳисобга олиш, ҳамма учун қулай бўлишини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари жойларга ташрифи чоғида ёш авлод тарбиясининг бирламчи ва муҳим бўлини сифатида мактабгача таълим тизимини юксаттириш, боғчаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни моҳир педагоглар билан таъминлаш, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ESHITDINGIZMI?

7 ТА ИШЛАНМАГА 15 МИЛЛИОН СЎМ



Ёшлар иттифоқи Навоий вилояти кенгаши вилоят ҳокими Қобул Турсуновни ёш олимлар ҳамда спортчилар билан учраштирди. Бу сафарги “Ҳоким ва ёшлар” лойиҳаси бироз ноанъанавийлиги билан ажралиб турди.

Дастлаб вилоят раҳбари Иттифок “Ёш олимлар” клуби аъзоларининг инновацион ишланмалари билан танишди. Энг сараларига (улар жами еттита) 15 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

— Мутасаддилар эътиборини доимо ҳис қилиб турамыз, — дейди мамнуният билан “Ёш олимлар” клуби сардори Хумоюн Ҳайдаров. — Бундан аввалроқ вилоят ҳокимлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи инновацион лойиҳаларимизни молиялаштириш учун 200 миллион сўм сармоя ажратганди. Мана энди, қўшимча молиявий қўмакка эга бўлди. Бундай рағбат, албатта,

бесамар кетмайди, балки тадқиқотчи ёшларни янада жўшиб ишлашга ундаши аниқ. Масалан, ўзим яқин-

да Мексикада ўтказилган Халқаро робототехника олимпиадасида иштирок этиб, 1-ўринни қўлга киритдим. Аммо тўхтаб қолиш йўқ! Ахир, Ўзбекистон келажаги бизнинг қўлимизда-ку!

“Ҳоким ва ёшлар” учрашуви давомида вилоятда яқини етган “Спорт ҳафталиги”да фаол катнашган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган бир гуруҳ тенгдошларимиз муносиб тақдирланди. Олий ўрин Давлат хавфсизлик хизматининг худудий бошқармаси вакилларига насиб этиб, голиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ҳоким билан жонли мулоқот давомида эса, йиғит-қизлар аёллар спортини ривожлантириш юзасидан амалий тақлифлар берди.

Рохатой ҚОДИРОВА



МАДЛИ СТАРТ

Пойтахтимизда “INNOWEEK” Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги якунланди

ЭНДИ ФАКАТ ОЛГА!

Ҳафта мобайнида юртимизнинг инновацион келажагига бефарқ бўлмаган юзлаб мутахассислар, сармоядорлар, давлат органлари вакиллари, қолаверса, улкан илмий салоҳиятни ўзида жамлаган тадқиқотчи олимлар, ёш стартаперлар ўз тақлиф ва ташаббусларини илгари сурди, илгор тажрибаси билан ўртоқлашди, янги ечимлар устида бош қотирди.

Аввалги материалларимизда Инновацион ғоялар ҳафталиги, қўйинги, Ўзбекистон танлаган инновацион ривожланиш йўлининг бор аҳамиятини заруратини тўла-тўқис очиб берган эдик (газетанинг 123-124-сонларини ўқинг). Эндиги сўз бу ҳақда эмас. Фақат бир кичкина қайдни такрор қилганда олиш зарар қилмайди: “INNOWEEK” доирасида бўлиб ўтган Халқаро инновацион ярмаркаси, Халқаро инновацион-сармоявий форум ҳамда Халқаро робототехника мусобақаси биз янгиликларни хошлашимиз, янгиликларга тайёр эканлигимиз ва, асосийси, янги бўла олишимизни намойиш этди. Ҳарқалай, бундай ҳулоасага нафақат биз, ўзбекистонликлар, балки кўпгина халқаро экспертлар ҳам аллақачон келиб бўлган.

Масалан, ҳафталик натижаларига кўра, юртимиз олимларининг ишланмалари учун энг кўп сармоя киритган “Technology Group of America LLC” компанияси президенти Борис Ёдгоров Ўзбекистон инновациялар ҳамда уларни молиялаштириш салоҳиятига эга сармоядорларга ўз бағрини очганидан ниҳоятда мамнун эканини айтди.

— Ярмарка доирасида Ўзбекистон



Республикасининг Инновацион ривожланиш вазирлиги билан георазведка, қурилиш, қишлоқ хўжалиги (биоўғитлар ишлаб чиқариш), уруғчилик соҳаларига доир бешта шартнома имзоладик, — таъкидлади у. — Бу яқин истиқболда мамлакатингизда бешта янги корхона иш бошлайди деган гап. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларини ташкил қилган.

Умуман олганда эса, Инновацион ривожланиш вазирлиги бир ҳафта мобайнида юртимизга салкам 119,3 миллион АҚШ долларга тенг хорижий инвестицияларни кирита олди. 40 миллион долларлик битим АҚШнинг “UdacityX” компанияси билан онлайн тарзда (!) имзоланган ҳаммасидан ҳам кўра хайратланарлидир. Бўёғи ундан ҳам қизик. Томонлар халқаро талабларга жавоб берувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида диққат қилинг — Келажак универ-

ситетини ташкил этишга келишиб олди. Унда таълим, табиийки, ма-софадан туриб олиб борилади.

“INNOWEEK” якунида “Электрон ҳуқуқат” тараққиёт маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган Инновацион тадқиқотлар миллий танлови, Халқаро робототехника чемпионати ҳамда Ёш олимлар учун эълон қилинган махсус танлов голибларини тақдирлаш нарсими ҳам бўлиб ўтди.

Дастлабки танловда 160 нафардан зиёд тадқиқотчи ўз лойиҳалари билан иштирок этиб, 15 нафари голиб деб топилди ҳамда грант маблағи сифатида 20 миллион сўмгача пул муқофотини қўлга киритди.

Ёш олимлар танлови голиблари эса, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-гуманитар, табиий ҳамда техника фанлари йўналишлари бўйича аниқланган ва ҳар бири муносиб тақдирланган.

Наргиза УМАРОВА

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ
ВЕРА ПАК

Мамлакатимиз таълим соҳаси оғир жудодликка учради. Фидойи педагог, меҳрибон мураббий, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Борисовна Пак 80 ёшида вафот этди.

Вера Пак 1938 йили Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот туманида туғилди. 1961 йили Нукус давлат педагогика институтининг кимё-биология факультетини битирди.

Бўлғуси педагог ўз меҳнат фаолиятини 1961 йили Хива шаҳридаги А.С.Пушкин номидаги 3-умумтаълим мактабида кимё ва биология фанлари ўқитувчиси сифатида бошлади. Ушбу мактабда ёш авлоднинг билимдон фарзандлар бўлиб камолга етишига муносиб ҳисса қўшди.

1985 – 2015 йилларда Хоразм вилоятидаги 20-Меҳрибонлик уйи раҳбари, 2015 – 2018 йилларда Хива шаҳридаги “Меҳрибонлик шаҳарчаси” директори лавозимларида меҳнат қилди.

Вера Пак 2004 – 2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида самарали фаолият юритди.

Узининг 57 йиллик педагогик фаолияти мобайнида ота-она меҳрига ташна кўплаб болаларнинг юрагига ҳаётга, келажакка мустақкам ишонч уйғотган эди. Уларнинг Ватанимизга, халқимизга садоқатли фарзандлар бўлиб улғайиши йўлида фидойилик билан меҳнат қилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари мустақил ҳаётга қадам қўйганидан сўнг ҳам уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ёш йилгит-қизларнинг касб-хунар ўрганиши, оила куриб, уй-жой билан таъминланиши йўлида жонбозлик кўрсатди.

Устоз Вера Пакнинг мамлакатимиз таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 1992 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони, 2001 йили “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан мукофотланган эди.

Меҳрибон устоз, фидойи педагог, самимий ва камтарин инсон Вера Борисовна Пакнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.



Мамлакатимиз таълим соҳаси оғир жудодликка учради. Фидойи педагог, меҳрибон мураббий, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Борисовна Пак 80 ёшида вафот этди.

Узининг 57 йиллик педагогик фаолияти мобайнида ота-она меҳрига ташна кўплаб болаларнинг юрагига ҳаётга, келажакка мустақкам ишонч уйғотган эди. Уларнинг Ватанимизга, халқимизга садоқатли фарзандлар бўлиб улғайиши йўлида фидойилик билан меҳнат қилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари мустақил ҳаётга қадам қўйганидан сўнг ҳам уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ёш йилгит-қизларнинг касб-хунар ўрганиши, оила куриб, уй-жой билан таъминланиши йўлида жонбозлик кўрсатди.

Устоз Вера Пакнинг мамлакатимиз таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 1992 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони, 2001 йили “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан мукофотланган эди.

Меҳрибон устоз, фидойи педагог, самимий ва камтарин инсон Вера Борисовна Пакнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ,
А.АРИПОВ, А.АБДУВАХИТОВ, Ш.ШЕРМАТОВ



Дилқушо НАВРЎЗОВА,
Ахрор СОДИҚОВ,
Зулайхо ЗАЙНИДИНОВА

ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Навобий

Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши ташаббуси билан ҳудуддаги ҳарбий қисмда “Очик эшиклар кунини” ўтказилди. Тадбирда 100 нафардан зиёд ўқувчи иштирок этди. Улар орасида ёшлар ташкилотининг етакчи ва сардорлари ҳам бор.

— Лойихани йил давомида амалга ошириб боришни мақсад қилганмиз, — дейди Иттифокнинг ҳудудий кенгаши бўлими мудир Алишер Гофуров. — Зеро, ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, юсак интеллектуал салоҳиятли кадр бўлиб улғайиши ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбияланишида бундай учрашувларнинг аҳамияти катта.

Қашқадарё

Аскарлар билан учрашув Ғузор туманида ҳам ўтказилди. Ҳарбий қисм фаолияти билан академик лицей ва касб-хунар коллежлари, шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчилари танишди. Дастлаб меҳмонлар миллий армиямиз ихтиёридаги замонавий курул-аслаҳалар кўргазмасини хайрат ва ҳавас ила томоша қилди.

Шундан сўнг ўғил-қизларга ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан



ишлаш бўлими фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Келажакда Ватан ҳимоячиси бўлишни ният қилдим, — дейди Ғузор туманидаги 14-умумтаълим мактаби ўқувчиси Азимжон Холов. — Ҳарбий акаларим учун яратилган шароитларни кўриб қойил қолдим. Мен ҳам улардек бақувват, шижоатли ўғлон бўлишга интиламан.



Наманган

Яна бир намозил — Наманган шаҳридаги ҳарбий қисмда ташкил этилган “Очик эшиклар кунини” ёрқин таассуротларга бой ўтди.

— Мана шу тадбир баҳонасида ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳи, Ватанга садоқат хисси бир қадар юксалди, назаримда. Йилгит-қизлар кўзидagi завқ, иштиёқ учқунларини кўриб, шу фикрга келдим, — дейди Ёшлар иттифокининг вилоят кенгаши масъул ходими Турсунали Мўллабоев.

Тадбир доирасида ўқувчи ва талабалар ҳарбийлар ўртасида кингиз тусда кечган шахмат, стол тенниси, волейбол мусобақаларини катта ҳаяжон билан кузатди. Аскарларнинг кўргазмалари чикишилари ҳамда ҳарбий курул-аслаҳалар намойиши уларнинг қизиқишини кўп қарра оширди. Бундан илҳомланган ижодкор ёшлар ҳарбийлар ҳаётини бағишлаб ёзган шеърларидан ўқиб берди.

(Бошланиши 1-саҳифада)

Мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш борасида Юнусобод туманида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Боғишамол маҳалласида жойлашган “Севинч” номи 74-мактабгача таълим муассасаси болалар учун ҳақиқий оғурулар масканига айланди. Муассаса жорий йилда тубдан таъмирланиб, Президентимиз ташрифи арафасида фойдаланишга топширилди.

275 ўринли муассаса инновацион технологиялар асосида жиҳозланган ва мамлакатимиздаги илк “аккли боғча” ҳисобланади. Бу ерда болалар ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида назорат ускунаси, ҳар бир хонага доимоф ўрнатилган. Ота-оналар фарзанди қайси гуруҳда бўлса, шу хонани боғловчи тугмани босгандан сўнг тарбиячи болани олиб чиқиб беради. Бинога кирверишда кўйилган таблодан боланинг ўз гуруҳига кирганини кўриш, гуруҳлардаги машғулотларини онлайн кузатиш мумкин.

Зина ва хоналарга ишланган рангли белгилар, тафаккурга уддовчи расмлар болаларни ранг билиш, санашга ўргатади. Йўл кўрсатуви рангли чизиклар орқали кичкинтойлар ўз гуруҳини кийналмасдан топиб боради.

Машғулот хоналарида “Илк қадам” дастури асосида ишлаб чиқилган мультимедиа тажриба-синов дастурига эга мониторлар ўрнатилган. Бу дастурдаги турли соҳаларга оид суратлар, интерфаол ўйинлар ёрдамида болаларнинг билим ва кўникмаси шакллантирилади.

Адлия вазирлиги буюртмаси асосида “Sotol systems” компаниясида ишлаб чиқилган ушбу дастур онлайн тарзда ишлайди. Уни ота-оналар ҳам уяли телефонига юклаб олиб, уйда телевизор орқали фарзандларини шугуллантириши мумкин.

Давлатимиз раҳбари боғчада яратилган шароитлар билан танишиш, тарбиячилар билан мулоқот қилди.

Болаларимизнинг маънавияти, билими, соғлиги биз учун энг муҳим масала. Шунинг учун давлат томонидан мактабгача таълимга катта эътибор берилган ва бу ҳали бошланиши. Сизларнинг вазифангиз болаларнинг кўзидagi нурни илғаб олиш, уларга яхши тарбия бериш, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳолати ва уларни ривожлантиришга оид лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Президентимиз бу борадаги тақлифларни маъқуллаб, давлат-хусусий шериклик асосида янги боғчалар куриш, болаларни қамраб олишни кенгайтириш ва келгусида юз фоизга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Жанубий Кореянинг Пучон университети раҳбарлари билан видео-конференция орқали мулоқот қилинди. Президентимиз боғча тарбияланувчиларига совғалар берди.

Шавкат Мирзиёев “Business city –

ТОШКЕНТ БАРЧА СОҲАЛАРДА
НАМУНА БЎЛИШИ КЕРАК

“Юнусобод” замонавий ишбилармонлик маркази лойиҳаси билан танишди.

Пойтахтимиз улкан бунёдкорлик лойиҳалари эвазига кун сайин гўзал киефа касб этиб бормоқда. Янги-янги аҳоли массивлари, мухташам кўприклар, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа иншоотлар шаҳарни нафақат архитектуравий жиҳатдан, балки яшаш ва дам олиш, бизнес юритиш шароитларига кўра қулай мегаполисга айлантирмоқда.

Узкокка бормайлик, шаҳарнинг қок марказида қад ростлаётган “Toshkent City” халқаро ишбилармонлик маркази курилиш бобидаги тасаввурларимизни бутунлай ўзгартириб юборди. Бу ерда замонавий технологиялар ва метморлик андозлари асосида тикланаётган осмонўпар иморатлар Тошкентга дунёнинг шаҳарсозлик соҳасидаги диққатга сазовор марказларидан бири макomini олиш имконини беради.

Тараққиётнинг бугунги суръатлари, аҳолининг яхши яшашга бўлган эҳтиёжи, жаҳондаги ўзгаришлар қўламининг ҳисобга олган ҳолда пойтахтимизда бир нечта замонавий ишбилармонлик марказлари қад ростламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 августдаги Республика ҳудудларида “Business city” замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Юнусобод туманининг Отчопар - 2 маҳалласи ҳудудида куриладиган “Business city” – “Юнусобод” замонавий ишбилармонлик маркази уларнинг навбатдагиси бўлади.

Ушбу замонавий ишбилармонлик марказидан кўп қаватли турар жой мажмуалари, бизнес-офислар, савдо-кўнгилолчар масканлар, меҳмонхоналардан иборат кўп тармоқли мажмуалар, сайгоҳлар, ижтимоий объектлар, тиббий-соғломлаштириш марказлари ўрин олади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳанинг қиймати 500 миллион доллар бўлиб, 2019 – 2023 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари янги ишбилармонлик маркази курилишида рельефдан оқилона фойдаланиш, дунё шаҳарлари тажрибасини ўрганиш зарурлигини қайд этди. Уни барпо этишга хорижий инвесторлар, тажрибали дойиҳачи ва курувчиларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйлари бошқариш бўйича тақлифлар тақдими ўтказилди. У профессионал сервис компаниялари ташкил этиш орқали кўп қаватли уйлارга хизмат кўрсатишни яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, иктисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган.

Президентимиз туманда ушбу тизимни жорий мавсумдаёқ таъкиб этиш, ҳар бир кўп қаватли уйнинг эгасини топиб, уларга имтиёзлар бериш зарурлигини таъкидлади.

Инновацион, илмий ва ташкилий ишларни бирлаштириб, баравар олиб бормасак, бу соҳа эскича ҳолда қолаверди.

Коммунал хизматлар хусусий қорхоналар томонидан амалга оширилмаса, сифат бўлмайди. Сифат бўлмагандан кейин тўлов ҳам барқарор бўлмайди. Бу соҳада хизматни, ҳисоб-китобни жойига қўйсақ, вазият ўзгаради, одамлар рози бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари “Амилов” қандолат маҳсулотлари фабрикаси фаолияти билан танишди.

Собик “Лок-бўёк” заводи ўрнида ташкил этилган “Амилов” фабрикаси жорий йил 5 октябрда ишга туширилди. Қорхона майдони 32 гектар бўлиб, курилиш-монтаж ишлари, ишлаб чиқариш ускуналари учун қарийб 80 миллион доллар сарфланди. Германия, Швейцария, Дания, Италия, Австрия ва Голландиядан технологиялар келтириб ўрнатилди. Натияжада 850 га яқин иш ўрни яратилди.

Қорхона йилига 50 миң тоннага яқин қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугунги кунда бу ерда шоколад, конфет, печенье, вафли каби 60 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Бундай ширинликлар шу пайтгача асосан импорт қилинган. “Амилов” фабрикасида тайёрланаётган қандолат маҳсулотлари чет элликка нисбатан арзон ва сифатли бўлгани боис ички бозорда тез ҳардорини топди. Натияжада бундай маҳсулотлар импортини 40 фоиз қисқартиришга эришилди. Қолаверса, қорхона йилига 10 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилишни режалаштирган.

Давлатимиз раҳбари фабриканинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш, бундай қорхоналарни кўпайтириб, рақобатни ривожлантириш, импорт бўлаётган бошқа маҳсулотларни ҳам маҳаллийлаштириш бўйича топшириқлар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Ўзэкспомарказ”да Тошкент шаҳри ва Юнусобод тумани ҳокимлари, мутасаддилар ва секторлар раҳбарлари, маҳалла раислари иштирокида йилгики ўтказди.

Унда Юнусобод туманини иктисодий ривожлантириш, маҳаллардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

2019 йилда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилиши мўлжалланган 38 та лойиҳанинг ҳар бири бўйича ташаббускорлар ва манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда “Йўл харита”лари ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Хатловда аниқланган 332 та фойдаланилмаётган объект ва ер майдонларида янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, бюджетга тушумларни кўпайтириш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ижтимоий долзарб масалаларни ҳал қилиш, уй-жой фондиди ривожлантириш, коммунал хизматларни яхшилаш, объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Умар АСРОРОВ,
ЎЗА мухбирлари

ЎЗ-ЎЗИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИБ
БОРАДИ

Пойтахтимизда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази ҳамда АКШнинг юртимиздаги элчixonаси ҳамкорлигида “Ўзбекистон таълим тизимида чет тилларини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Унда иштирок этиш учун юртимиз олий, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда мактаб таълими тизимларида фаолият кўрсатаётган 200 нафардан ортиқ малакали чет тили ўқитувчиси ҳамда илмий тадқиқотчилар, шунингдек, АКШ, Буюк Британия, Малайзия, Туркия, Қозғоистон, Қирғизистон ва бошқа хорижий мамлакатлардан жалб қилинган 30 нафар мутахассис Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига жамланди.

Анжуман доирасида узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўқитишдаги муаммо ва ечимлар, мазкур жараёнда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, замонавий ёндашувлар, инглиз тили бўйича ўқув дастурлари ва материалларини яратиш, чет тили бўйича билим ва кўникмаларни баҳолаш, мутахассислик фанларини чет тилида ўқитиш-

нинг замонавий методлари, малакалар интеграцияси, маданиятлараро мулоқот, каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

— Анжумани уч йилдан буён мунтазам ўтказиб келаямиз, — дейди ЎзДЖТУ қошдаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази директори Хусан Йўлдошев. — Шу аснода ҳамкасбларимиз бир-бири билан жонли мулоқот қилиб, фикр ва тажриба алмашди, муаммоларни биргаликда таҳлил қилади, соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлади. Бу уларнинг ўз-ўзини такомиллаштириш бориши учун жуда зарур.

Ялли мажлисдан сўнг, анжуман бир қанча шўбалагага бўлиди. Яқунда иштирокчиларга сертификат ҳамда илмий материаллар тўплами тақдим этилди.

Мухбиримиз

КАДРЛАР ҚАДРЛАНСА



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат ношаролат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, "Ёшлар — келажак бунёдкори" шiori остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилма ҳисобланади. Бугун мазкур тузилма фаолиятида ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш йўналишида амалга ошириляётган ишлар кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Тахририятимизга шу борада йўланаётган саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ташкилий-кадрлар бўлими мудири Сурайё Иминжоновга мурожаат қилдик.

— Кадрлар тайёрлаш йўналишида асосий мақсад халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этишдан иборат. Негатки, ислохотларда фаол, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, катъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-гайрати ва салоҳиятини сафарбар қиладиган ёшларнинг мамлакатимиз истикболи учун масъулиятини ўз зиммасига олинган қодир бўлади. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳам бу жабонлар четда эмас. Кейинги вақтда жойларда "Ёшлар иттифоқининг кадрлари" деган тўшунча шаклланди. Ёшлар иттифоқи "таъбия этган", "академияда ўқитган" кадрлар мансаб илланояларидан илдам бораётгани кўпчилигининг эътиборини торта бошлади. Уларни аниқлаш, саралаш ва муайян лавозимларга тайинлаш бўйича бирон бир мезон ёки ёндашув мавжудми?

— Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 14 августдаги "Президент кузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истикболли кадрларни тайёрлаш институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори биз ҳозирда риоя қиляётган барча мезон ва ёндашуларимизга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Натижада Ёшлар иттифоқи тизимида ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатган ходимлар Давлат бошқаруви академиясида билим ва малакасини ошириб, ҳокимлик ҳамда вазирликлар тизимида раҳбарлик лавозимларига асосий номзод сифатида кўрилади бошланди.

Айни пайтда турли мутахассисликлар бўйича бутун республика бўйича номзодларни мунтазам тарзда Иттифоқ тизимидаги масъул лавозимларга захира кадр сифатида кўриб чиқиш механизмининг жорий этилди. Бунда мурожаатларнинг ихтиёрийлиги ва танловнинг шаффофлиги таъминли устувор ҳисобланади.

Ўтган қисқа муддатда Ёшлар иттифоқи муассислигида Ёш олимлар, Ёш фермерлар, Ёш тадбиркорлар кенгаши, Ёшлар туризм агентлиги, Ёшларга ижтимоий-психологик ёр-

дам кўрсатиш, Имконияти чекланган ёшлар ва болалар марказлари каби ўнлаб ташкилотлар тузилди. Улар ҳам ёш малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни юзага келтиради. Биз бу уюшмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, нафақат молиявий, балки аввало, гоёвий-услубий, маънавий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатадиган асосий ташкилот сифатида кадрлар таъминоти билан ҳам алоҳида иш олиб борамиз.

Таъкидлаш ўринлики, Ёшлар иттифоқи тизими ёш иқтидорли кадрлар учун ўзига хос "социал лифт" вазифасини бажара бошлади. Биргина жорий йилнинг ўзида 490 нафар (шундан 68 нафари Иттифоқ тизимида) ёш Молия вазирлигидаги вакант ўринларга захира, кадрлар сифатида тавсия этилди. Молия вазирлиги тизимида дастлабки даврда жами 289 нафар иқтидорли ёш ишга қабул қилинган. Жумладан, 14 нафари марказий аппаратта, 154 нафари ҳудудий молия бўлиmlарига, 64 нафари газначилик ва 42 нафари бюджетдан ташқари пенсия жағғармаларига, 15 нафари эса, давлат молиявий назорат бошқармаларига ишга жойланди.

Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кен-

гашларида фаолият юритган кадрларимиз орасида вилоят ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, вазирликларнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоллигига сайланган ёшларимиз ҳам бор.

— Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида ёшлар сиёсати соҳасида, ҳуқуқан, ёш кадрлар малакасини ошириш, уларга услубий кўмак бериш борасида ҳам муайян вазифалар белгиланган эди. Уларни амалга ошириш бўйича ишлар ҳуқуқидан ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Президентимизнинг Мурожаатномаси асосида "Ёшлар сиёсати соҳасида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастури" қабул қилинган. Унинг ижросини таъминлаш бўйича, биринчи гада, туман (шаҳар) ҳокимларининг, ички ишлар бўлиmlарини бошлиқларининг, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш раисларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгашлари раислари фаолиятини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди. Тегишли низо, баҳолаш жадвали ишлаб чиқилди. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги статистик кўрсаткичлар ҳамда ёшлар сиёсати бўйича ҳудуд масъуллари фаолиятини хар чоракда таҳлил қилиш ва баҳолаб бориш бўйича мониторинг гуруҳи тузилди.

Ишчи гуруҳи томонидан жорий йилда ҳудудларда ёшлар сиёсати бўйича масъулларнинг фаолиятини баҳолаш тизимининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган сайёр ўқув-семинарлари ташкил этилди. Ўқувларда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ваколатлари ҳамда иштироки шунингдек, уюшмаган ёшлар билан ишлашда ўзаро ҳамкорлик масалаларида мутахассис ва экспертларнинг маърузалари тингланди.

Бу борадаги ишларнинг мазмун-моҳияти тизимдаги кадрларга қайси масалаларда услубий ёрдам, қандай йўналишларда амалий кўмак бериш эҳтиёжи мавжудлигини аниқлаш ва шунга мувофиқ иш олиб боришдан иборат.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун "социал лифт" вазифасини бажариши керак. У билимли, ташаббускор ва ташилотчи, фидойи ёш раҳбарларнинг кадрлар захирасини яратиши керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

— Ҳозирги кунда дунё микёсида тобора кескин тус олаётган жиддий рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, турли хавф-хатарлар диний эътиқоду миллий кадриятларни издан чиқараётгани ҳам ҳақиқат. Бундай шароитда ўз келажигига бефарқ бўлмаган хар қандай жамият учун ёш авлод тарбияси ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланади. Ана шу ўта муҳим масалани ҳал этиш бўйича Ёшлар иттифоқи фаолияти ҳақида нима дея оласиз?

— Хар қандай таҳлил ва ҳатарларга қарши мустаҳкам иродасини намойиш оладиган, ҳаётда учрайдиган жиддий муаммоларни халқ ва давлат манфаатлари нуктаи назардан ҳал этишга ўзини масъул сезадиган кадрларни тарбиялаш бизнинг асосий вазифамиз. Аслида мамлакатимизда амалга ошириляётган ёшларга оид давлат сиёсатининг бор мақсади ҳам барча соҳаларни модернизация қилиш ва ангилаш жараёнини янги босқичда жадал олиб бориш орқали Ўзбекистонни хар томонлама ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишдан иборат.

Бу ишларни хар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишни, қатга мақсадлар сари сафарбар этиш, уларни давлат ва жамият равнақи учун жаъобгарликни ўз зиммасига оладиган масъулиятли ва фидойи шахслар этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда юртимиздаги минглаб йигит-қизлар айниқса, қишлоқ жойлардаги тенгдошларимиз Ёшлар иттифоқининг эътибор марказида бўлиб, улар билан доимий шугулланиб бориляпти. Шу ишни бажариш учун зарур ҳуқуқий ва амалий ваколатлар, тегишли имконият ва имтиёзлар яратиб берилган. Уюшмаган, муайян иш ёки ўқиб билан банд бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда ҳам шижоатли ёшлар салоҳиятидан фойдаланялмиз.

Мухими, ёш кадрлар ўртасида иши-

га расмиётчилик билан, юзаки ва лоқайд муносабатда бўлиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича олиб бориляётган амалий ишлар самарасини бермоқда.

— Ёшлар иттифоқи тизимида тажрибали, малакали кадрларнинг етишмаслиги жиддий муаммо ва бу масала доимо кун тартибда туради. Сир эмас, бугунги ёшларни меҳнат шариоити билан бир қаторда, муносиб турмуш кечириш имкониятлари ҳам қизиктирмоқда. Ўтган даврда ёш иқтидорли кадрларни ташкилотга жалб этадиган иқтисодий преференциялар масаласида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлдими?

— Ўтган бир йилдан зиёд вақт Ёшлар иттифоқининг том маънода шаклланиш ва ривожланиш даври бўлди. Ҳудудий ва маҳаллий кенгашларимиз замонавий бинолар, моддий-техник база, зарур мебель ва инвентарлар, алоқа ва ташкилий техника воситалари билан етарли таъминланди. Имтиёзли кредитлар асосида хизмат машиналари олинди.

Хар бир туманда ёш оилалар уй-жой билан таъминланилти. Электр энергияси, табиий газ, сув ва транспорт коммуникацияси, алоқа воситалари мавжуд ҳудудларда фойдаланилмай ётган давлат объектлари ёш тадбиркорларга ноль қийматда ижарага берилмоқда.

Ҳамама ҳудудларда ташкил этиляётган иқтисодий зоналарда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорлардан ижара ҳақи олинмайдиган тартиб жорий этилди. Бундан ташқари, ўз бизнесини бошлаётган ёш тадбиркорларга имтиёзли нархларда юридик, техник ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиляпти.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ёшлар манфаатини таъминлашга қаратилган ишларда Ёшлар иттифоқининг иштирокини хар томонлама кенгайтириш билан унинг обрўси ва таъсирини оширишга алоҳида эътибор берилляпти.

Х.ТОШТЕМИРОВ суҳбатлашди.

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЙОТИ

ЎР ГАН ИШ ШАРТ ВА ЗАРУР

Солиха А.ЛЛАЯРОВА

Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари таълим жараёнига илғор педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этмоқда. Куни кеча отахон ўқув даргоҳида мазкур амалиётни такомиллаштириш масаласи юзасидан илмий-амалий анжуман ташкил этилди.



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда олий таълим соҳасидаги замонавий тенденция ва таъминлар, педагогик фаолиятнинг истикболли йўналишлари таҳлил қилинди.

Анжуман ишчи гуруҳига жами 150 га яқин мақола ва тезис тақдим этилган. Улар тўплам шаклида чоп

этилиб, иштирокчиларга тарқатилди. Аксарият материалларда педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш борасида юзага келаятган айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари, профессор-ўқитувчиларнинг АКТдан фойдаланиш компетенциясини ошириш каби долзарб масалалар кўтарилган бўлиб, тегишли тақлифлар берилган.

Шундан сўнг экспертлар гуруҳи томонидан барча фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, яқуний ҳулосалар ясалди.

BUGUNNING GAPI

Мардона ЗОКИРОВА

Кўшнимиз Фарида хола мудом: "Қиз набири кўрсам, уни шифокор қиламан", — дерди. Яқинда набирали бўлди. Аммо энди шифокорлик орзуси ҳақида чурқ этмай кўйган. Аввалига ҳайрон қолдик. Кейин ўзи ёрилди:

ҚЎЛГА ЭМАС, КЎНГИЛГА ҚАРАСИН ДОЯЛАРИМИЗ

— Набирам туғилганида қувончим ичимга сигмай шифокорга суянчи бердим. Узундан-узун дуо қилиб, Яратгандан набирамга ҳам унинг йўлини беришини, доимо кадри банд бўлиб, эл хизматида юришини сўрадим. Аммо эшикдан чиқиб кетаётганимда халити акушер аёл: "Ўхтанг опа, бизда бошқалар ҳам бор, уларга-чи?! Атаганингиз қанд-курсдан ортмайди-ку!" — деса бўладими. Бошимдан совуқ сув куйилгандек бўлди.

Ажабо! Бизнинг замонда шифокорлар кўл ҳақини минг хижолат бўлиб оларди. Бугун-чи, ўзи сўрайдиган бўлган. Бермасанг, ортингдан қаргаб қолади-я..."

— Суянчи бериш динимизда тақиқланмаган, — дейди Ўзбекистон халқро ислом академияси кафедраси мудири Давронбек Махсудов. — Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) туғилганларида ҳам боболари, амакилари хурсанд бўлганидан бир кулни озод қилиб юборган экан. Аслида суянчи берувчининг ҳиммати саналади. Унинг аниқ ўлчами ёки кўриниши йўқ. Лекин ҳадяни сўраб олиш асло мумкин эмас. Чунки бу таъмага қиради ва қалб ҳасталигидан далолат беради. Масаланинг бошқа томони ҳам бор: ота-она таъмагирлик ордидан топилган пулни эртага фарзанди учун сарфлайди. Харом лўкма еган бола эртага ким бўлиб етишини мумкин? Айни вазиятда оқибатини ўйлаб, иш кўрмоқ зарур.

БИР-ИККИ СЎМ ҚИСТИРМАСАНГИЗ, АХВОЛ ЧАТОҚ

Ангрэн шаҳридаги Марказий поликлиника доимидек беморлар билан гавжум. Одамлар тур-

накатор бўлиб навбатга тизилади. Узоқ кутишга тўғри келадиганга ўхшайди. Курсига чўқдим. Ёнимда уч-тўрт нафар ҳомилдор аёл гаплашиб ўтирарди. Уларнинг суҳбати эътиборини тортиди.

— Биринчи фарзандингизми? — деди юзи думалок, тилларанг сочили ёнидаги ҳамроҳига қараб.

— Ҳа.

— Сизга маслаҳатим, акушер-гинекологни аввалдан гаплашиб, оғзини моляб қўйинг. Бўлмаса, эртага роса қийналасиз. Пулингизга қараб муомала қилади булар. Ўзимнинг бошимдан ўтган, ишонаверинг!..

— Қанча бергансиз? — қимтинибгина сўради суҳбатдоши.

— Дояга 200 доллар етади. Қолганларига ҳам қанда бир миллиондан кетади.

Бу гапни эшитгач, халити аёлнинг кўзи косасидан чиқиб кеттудек бўлди.

— Нега ҳайрон қоласиз?! Бир-икки сўм қистирмасангиз, ҳеч қим қиё ҳам боқмайди, ўргилай!

Нахотки, фарзанди дунёга келтириш учун ҳаммага қистир-қистир қилиш шунчалик зарур бўлса?! Гўдақлар дунёга келадиган муаззам даргоҳларда инсон ҳаёти пулга қақилаётгани фожиаси аслида. Бу кетишда тиббиёт ходимларининг жамиятдаги обрўси буткул тўшиб, соғлиқни сақлаш тизимида ишонч йўқолади.

ЛЕКИН...

Тошкентлик Нафиса Самалдовани айтишича, у фарзандини Сергели туманидаги 1-туғруқхонада дунёга келтирган. "Биров пул сўрагани йўқ, — дейди ёш она. — Ўзим кўнглимдан чиқариб бердим. Болагма ҳам, ўзимга ҳам яқини қараш-



ди. Шароитлар кўнглидагидек. Чақалогимнинг қорни оғриб бир кеча ухламай қикди. Меҳрибон ҳамшира атрофимда парвона бўлди ўшанда. Мен ҳам баъзилардан шифокор ва ҳамширалар ҳақида салбий гапларни эшитиб қоламан. Аммо беш қўл баробар эмас.

МУТАСАДДИЛАР НИМА ДЕЙДИ?

— Республикадаги туғруқ муассасаларда 2 минг 600 нафардан зиёд акушер-гинеколог фаолият юротади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазир Алишер Шодмонов. — Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 507 минг 131 та туғруқ қайд этилганини инобатга олсак, уларнинг меҳнати қанчалик залворди ва масъулиятли экани яқоол кўрилади. Оқинини айтаман, ҳамкасбларимизнинг барчаси ҳам ўз вазифасини виждонан бажараётгани йўқ. Масалан, ҳомилдор аёлларга перинатал ёрдам кўрсатиш сифатини таҳлил қилганимизда, натижалар бизни қониктирмади. Бир қанча қонунбузарлик ҳолати ҳам аниқланди. Шу туфайли туғруқ муассасалари раҳбарларининг 31 нафари лавозимдан озод этилди.

Тараккиётимизга болта ураётган юқоридики каби хунук ҳолатларга чек қўйиш соғлиқни сақлаш тизими олдидики энг долзарб вазифалардан бири саналади. Соҳа мутахассислари ушбу масалага жиддий ёндашган. Айни вақтда тиббиёт муассасаларидаги вазиятни мунтазам мониторинг қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди. Натижалар чўқур таҳлил қилинган, мавжуд камчиликлар юзасидан катъий чоралар кўриш белгиланган.

YOSHLIK ILHOMI

Telpak

Sherzod MAHMUDOV

Tushimga otam kirdi. "Ota!" — deb chaqirsam, kulib qarab turibdi. Bosinqirab uyg'onib ketdim. Soatga qaradim. Ikkidan oshibdi. Hovluga chiqdim. Yoz fasli, osmon ochiq. Chigirtkalar sayraydi. Qo'shni hovlidagi buzoq bezovtalandi, shekilli, tovushi eshitildi. So'ziga chiqdim. Ko'zim otamning so'nggi kunlari o'tgan uyga tushdi. Cho'kib qolgandek tuyuldi.

O'sha uyga kirdim. Chiroqni yoqib, xonaga nazar tashladim. Hech narsa o'zgarmagan, devorga ilingan gilamda ota-onamning surati osig'liq, tokchada esa, otamning sevimli "Klassik" magnitofoni turibdi.

Kichikroq javon ustiga ko'rpachalar taxlab qo'yilgan. Men uchun qadrlil va aziz buyumlar. Javonni ochdim. Eski surat, har xil gazetalar tartib bilan terilgan. Pastki bo'lmada kiyim-kechak bor ekan. Asta qo'limga oldim. Yuxu kida anqib turgan kulrang, oq quloqchilini telpakka nogoh ko'zim tushdi. Yuragim xapqirib ketdi. Bu bolalikdagi telpagim.

Bir kuni maktabdan uyga xomush qaytdim. O'yin o'ynatgandik, sherigimdan ustun chiqdim. U esa, alamidan: "Aravakashning bolasi", — deb meni haqorat qildi. Oilamiz nochor yashar, bozorda arava sudrab, tirikchilik qiladigan otam, qo'ni-qo'shnilarning tikish-bichishini qilib, evaziga bir-ikki so'm topadigan onamning daromadiga bazo'r kun ko'rdik. Achig'g'im keldi. Yuziga shapaloq tortib yubordim. Janjal boshlandi.

Noshud ota

U Xudoning bergan kuni ichib kelardi. Bekorchi er ayol boshi bilan mardikorlik qilib, ro'zg'or tebratadigan xotini qo'lga qarar, pul bermasa, urishdan ham qaytmadi. Maktab yoshidagi ikki farzand tinimsiz janjal-to'polonlardan bezib qolgandi.

Ota ulfatlari bilan gap-gashtakdan beri kelmasdi. Dastavval kichkinagina ko'ringan cho'g' borgan sari alangalanib uni o'z domiga tortib borardi. Ba'zan uygacha yetib kelolmay, daraxt yoki biron pana joyda qolib ketardi. Ertalab uyiga kelib, xotini bor pulini do'q-po'pisa qilib olar, so'ng yana ulfatlari davrasiga oshiqardi. Unga hech kimning gapi kor qilmasdi.

Sirdaryo qirg'og'ida

Sirdaryo qirg'og'idagi to'qayzorda tuklari oqarib, madori qurigan cho'loq bo'ri sokin yashab kelardi.

Qishloq ahli "Oq tumshuq" deb atardi. Kexsa bo'ri chorva mollari hamda odamlarga teginmas, ammo jahlini chiqarsa, hujumga o'tardi. Odamlar uning ana shu fe'liga qoyil qolardi.

Yillar o'tdi. Sirdaryo bo'yida yangi xo'jaliklar paydo bo'la boshladi... Xavfsizlik nuqtai nazardan tevarak-atrofdagi hayvonlar ovlanardi. Hayvonot va nabotot olami asta-sekin nobud bo'lib borardi. "Oq tumshuq" oilasi bilan to'qaydagi urgunda yashardi. Hozirgidek esida: g'ayrioddiy mavjudot — temir mahluq imi tomon yaqinlasha boshladi. Kexsa bo'ri urg'ochisi hamda bo'rivachalarini ortidan ergashtirgan qochishga tushdi. Ularni ko'rgan odamlar:

— Bo'rilar! Omadni qara, ot ularni! — deya qichqirdi.

Nafsi hakalak otgan ayrim ishchilar qo'lga qurol oldi. Ketma-ket gumburlagan ovozlari qirg'oqni yordi. "Oq tumshuq" jufining qoniga belanib, nishablikdan daryoga yumalab borayotganini ko'rdi. Keyin u bolalarini izlashga kirishdi. Birinchisini miltiq o'qlari badanini ilma-teshik qilib yuborgandi. "Oq tumshuq" ikkin-

(Triptix hikoyalari)

Shunda telpagim yirtildi. Uyga qaytdim. Qovog'imni solib, telpakni ayvonga iringitdim.

— Keldimgi, o'g'lim? Tinchlikmi? Maktabda biron nima bo'ldimi? — dedi onam avzoyimdan nima bo'lganini taxmin qilib.

Burnimni tortib, hiqillab javob berdim. — Sinfdashim: "Aravakashning bolasi" — deya meni mazax qildi. Urishdim...

Onam meni uzoq qo'ydi. Lekin kechqurun otam ishdan qaytgach tafsilotlarga berilmay faqat telpagim yirtilganini aytdi. Otam farosatli odam. Onamdan nima bo'lganini so'rab bilgach, sinqi jilmaydi. Meni yoniga chaqirdi. Qo'rqa-pisa yaqinlashdim. Otam esa, xotirjam, allaqanday o'ychan tovushda gap boshladi:

— O'g'lim, sen yigit kishisan! Yigit kishi bosiroq bo'lishi kerak! Huda-behudaga janjallashmasligi lozim. O'sha o'rtog'ingni ham xafa qilbisan. U seni "aravakashning bolasi", debdimi, demak, bu haqiqat! Buni o'zgartirib bo'lmaydi! Tirikchilikning aybi yo'q! Muhimi, har kim halol luqma topsin. Men vaqtida o'qimaganimdan afsuslanaman, chunki bolaligim og'ir o'tgan. Nochor yashardik. Oilada yolg'iz o'g'liman. Otamga yordam bermasam bo'lmasdi. O'qish esa, qolib ketdi. Lekin sen ilm olishing kerak! Ana o'shanda ko'nglim xotirjam bo'ladi. Otam o'qishim bilan qiziqmaydi deb o'ylama. Hammasidan xabarim bor. Shukur, yuzimni yerga qaratmayapsan. Telpakdan esa, xavotirlanma. Uch kun ishlab senga undan zo'rini olib beraman! Axir, a'lochi o'quvchi kiyinishi odobi bilan ham boshqalarga namuna ko'rsatishi kerak! Shundaymi, o'g'lim?

Uch kundan so'ng darsga ketayotganimda onam qo'limga yap-yangi telpakni tutqazdi. Otam va dasining ustidan chiqdi. Men ham u istagandek o'qib-izlanishdan tolmadim. Institutga kirganimda otam quvonchdan yig'lab yuborgandi. Men otam istagandek inson bo'ldim. Ehtimol, shuning uchun u kishi tushimda mudom kulib turadi.

Uylarning tomi, bo'g'otlarida qor to'plandi. Yo'llar yaxmalak, daraxtlar ship-shiydam.

— U yana ichdi. Axir, yangi yil-kul! Qorong'u tushay deganda uyga qaytdi. Oyoqda zo'rg'a turar, ko'zlarisuzilib, o'zini boshqarolmasdi. Uyiga olib boruvchi yo'lga gandirolab ketarkan tor ko'chadan mashina yaxmalakda sirg'ana o'tib ketdi. U o'zini chetga olmoqchi bo'ldi-yu, ko'cha labidagi zovurga yiqildi. Ichiga muzdek qor kirdi. Lekin bunga parvo qilmay, joyidan jilmasdi. Birozdan so'ng uxlab qoldi...

Xotini ming xavotirda ikki o'g'limi otasini izlashga yubordi. Ancha vaqt o'tib, sovuqda diydirab qolgan bolalar otalarisuz qaytdi. Yangi yil kirib keldi. Shu kuni peshinda muzlab jon taslim qilgan ota so'nggi yo'lga kuzatildi.

chi bo'rivachani qidirishga tushdi. U orqada qolib ketgan, oyog'idan yaranalib, og'riqning kuchidan uvillab yotardi. "Oq tumshuq" bolasi tomon talpindi, ammo odamlarning o'zlarini tomon qitirganicha kelayotganini ko'rib, daf'atan o'rtiga tirsildi, lekin tirik qolgan farzandi uchun yana oldinga yurdi. Bo'rivachasini hidlab, turtib ko'rdi, jonivor ingradi. Bo'ri-ning g'azabi jo'shdi.

Yunglari hurpayib, yirik tishlari g'ichirladi. Vajohat bilan olomon orasiga otildi. Ovchilar shoshib, bexato o'q uzdi, ayrimlari ortga qarab qochdi. Oq tumshuq ovchilarning duch kelgan joyini tishlab, yarador qilar, biroq o'tib atrofta miltiq ko'targan odamlar qolmadi. Faqat qo'lga bolta ko'targan ishchi qoldi. Bo'ri unga tashlandi. Ovchi o'zini himoya qildi... Keyin nima bo'lganini esolmaydi. Yagona bilgani chap qo'li tirsakkacha uzilgan... Chakillab qon tomayotgan yerda boyagi ovchi o'lib yotardi...

"Oq tumshuq" sakrab-sakrab bolasi yoniga qaytdi. U nafas olmas, ko'zlaris sal avvalgi dahshatli manzara tomon boqqancha qotib qolgandi. Shu-shu oq tumshuq mana shu atrofta izz'ib, qonli jang bo'lib o'tgan yerlarda jufini va farzandlarini qo'msab yuradi...

PSIXOLOG MASLAHATI



— O'g'lim sakkizinchi sinfga o'tdi hamki, qo'lga kitob olib o'qiganini ko'rmadim. Nuqul telefon va kompyuter o'ynaydi. Qancha koyimayin, foydasi yo'q. Vaholanki, men va otasi ziyolilar oilasidan. Qo'limizdan hech vaqt kitob tushmagan. Bolamizga qanday qilib o'rnak ko'rsatsak bo'ladi?

Zamira TURSUNOVA
Toshkent shahri

Savolga psixolog Mirjavlon MIRSHARIPOV javob beradi.

— Farzandni urushish yoki buyruq berish yo'li bilan ma'rifatga boshlab bo'lmaydi. Agressiya ko'rsatish yechim emas. Bu bilan bolada nafaqat o'zingiz, balki kitobga ham nafarat uyg'otasi.

O'g'lingiz zamonaviy texnologiyalar, turli gadjetlarga qiziqyaptimi, unga shu mazmundagi kitoblari olib bering. Bolani mutolaaga majburlab emas, tavsiya yo'li orqali qiziqtirgan ma'kul. Farzandingiz bilan o'qiganlari to'g'risida suhbat qurish ham yaxshi natija beradi.

AN'ANALAR — hayot sabog'i

Dilafruz ULUG'BOYEVA,
Toyloq pedagogika kolleji direktori

Bugun shahar va qishloq ko'chalari bo'yab turli ta'lim dargohlari tomon oshiqayotgan yigit-qizlarning qaddu basti, kiyinishi, odob-axloqini ko'rib, boshimiz ko'kka yetadi. Ular bizning orzularimiz ifodasi, baxtli kelajagimiz ekaniga ishonamiz. Bu yosh avlodga qaratilayotgan yuksak e'tibor, shuningdek, bugungi zamonning ilg'or tendensiyalari va, albatta, milliy an'analarga tayangan tarbiya mahsulidir.

Yurtimizda yoshlarning chuqur bilim olishi va muayyan kasb-hunar egallashi uchun keng imkoniyatlar yaratib berilgan. Ta'lim-tarbiya tizimi tubdan isloh qilindi. Va bu jarayon hali davom etmoqda.

Shuni ta'kidlash kerakki, ta'lim-tarbiya — ong va tafakkur mahsuli. Ayni vaqtda u ong darajasi hamda rivojini ham belgilaydigan, ma'naviyatimizni shakllantiradigan va boyitadigan muhim omil ekanini biz, pedagoglar qalbdan his etamiz. Qaysi fanni o'qitmaylik, dars jarayonida zamonaviy qarashlar bilan bir qatorda Sharq va G'arb faylasuflarining hikmatlari, ustozlarning bebaho o'g'iti, ajdodlar merosidan yoshlarni bahramand etishga intilamiz.

Kollejlarda yoshlar kasb-hunar o'rganadi. Shu nuqtayi nazardan har qaysi ta'lim maskani jamoasi hayotiy muhim vazifani bajarishi turgan gap. Ammo pedagog kadrlar tayyorlaydigan o'rta maxsus, kasb-hunar hamda oliy o'quv yurtlarining boshqa ixtisoslikdagi bilim dargohlaridan farq qiladigan, o'ziga xos va muhim jihati bor. Pedagogika yo'nalishida saboq olayotgan yoshlar vaqti kelib jajji o'g'il-qizlarni har qanday bilimning assosiy

sharti bo'lgan savodxonlikka o'rgatadi, ularni bilimlar dunyosi sari qadam-qadam yetaklaydi. Aslida "pedagog" degan so'zning ma'nosi va mazmun-mohiyati ham shunda.

Yoshlar tarbiyasi, shubhasiz, o'ta nozik va og'ir masala. Yoshlar misli navnihol, qay tomonga egsang, o'sha tomonga qarab o'sadi. Demak, ularga ta'lim-tarbiya berishda masalaning shu jihatin, albatta, e'tiborga olmoq zarur. Xususan, biz yigit-qizlarimizda keksalarga hurmat hissini tarbiyalashni juda zarur, deb bilamiz, shu maqsadda ma'naviyatimiz xazinasidan ko'plab misollar keltiramiz. Ustozga hurmat ko'rsatishni, aytaylik, ulug' bobomiz Alisher Navoiydan o'rganishimiz kerak. Piri komil ajdodlarimiz hayotida biz uchun ibrat bo'ladigan voqealar ko'p.

Rivoyat qilishlaricha, kunlardan bir kun Husayn Boyqaro bilan Alisher Navoiy Hirot ko'chalardan ketayotgan ekan. Nogoh ulug' shoir otdan tushib, ariq bo'yida o'ynab o'tirgan bolaga tavoze bilan salom beribdi. Bundan taajjublangan shoh Husayn Boyqaro: "Ajabo, Alisher! Nega katta boshingiz bilan ona suti hali og'zidan ketmagan go'dakka ta'zim ila salom berdingiz, buning boisi nima?" — deb so'rabdi. "Bu bola mavlono Abdurahmon Jomiyning nevaralari bo'ladi, ustozga hurmatim bois salom izhor etdim", — deb javob beribdi hazrat Navoiy.

O'ylaymizki, bunday ibratli hikoyalarda zo'ye ketmaydi, bil'aks, ertamiz egalarimiz qalbin nurga to'ldirib, odob-axloqning yuksak darajasiga olib chiqishga yordam beradi. Illo, xalqimiz bisotida inson kamoloti uchun xizmat qiladigan bunday rivoyatlar, asrlar davomida qadr-qimmatini yo'qotmay kelayotgan barhayot an'analar yetarli-cha bor.

O'QING, BU QIZIQ!



Sigir suti tarkibidagi oqsillar zaharni kuchsizlantiradi. Shu bois sog'liq uchun zararli kasb egalari har kuni sut ichish tavsiya etilgan.

Banan B6 vitaminiga boy meva. Uni yegan odam a'lo kayfiyatda yuradi.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

TARBIYANING bahosi

Erkin ABDUSATTOROV

Odatda ishdan metroda qaytaman. Atrofdagi odamlar va voqea-hodisalarni kuzatadigan odatim bor. Kunlarning birida jeton olish uchun kassa tomonga yurdim. Mendan oldin chamasi yetti yashar bolani qo'lidan ushlab olgan ayol turardi. U kassa darchasidan pul uzata turib:

— O'g'lim uchun ham jeton olmaymi? — deb so'radi.

— Yetti yoshga to'lmagan bo'lsa, shart emas.

— Unda shart emas ekan, o'g'lim olti yoshda.

Kutilmaganda bolakay sirni fosh qilib: "Men sakkiz yoshman-ku!" — deya g'udrandi. Angladimki, ona bir ming ikki yuz so'mni tejash uchun farzandiga ajoyib "tarbiya darsi"ni o'tayotgan ekan. Naqadar uddaburon ona-ya! Nahotki, bu ayol noto'g'ri yo'l tutayotgani va shu orqali farzandida ichki isyonni uyg'otqanini sezmasa?! Bu holat bora-bora ota-onaga behurmatlik va bemehriqlik tug'di.

rishi aniq-ku. Kundalik turmushimizda oddiydek tuyulgan aldovlar ertaga nainki bir oila, balki butun jamiyat uchun jiddiy muammolarni keltirib chiqarishi mumkin.

Yana boyagi voqega qaytamiz. Ehtimol, o'sha noshud onani shu zahotiyoq jazolash kerakdir, deb o'yladim. Yo qo'l siltab qo'yaversak, oxiri voy bo'ladi, axir. Xullas, "jabrdiyda"ni gapga tutdim. Atay baland ovozdada so'radim:

— Iye, polvon, hali ham maktabga chiqmaganmisan? Birinchi sinfga o'xshaysan-ku?

— Birinchi emas, ikkinchi sinfga o'qiyman. Kecha ikkita besh oldim, — deya maqtandi u.

Kassir opa yaraq etib bolaga qaradi. Men esa, yo'limga davom etdim. Keta-ketguncha ming xil o'y-fikr miyamda aylandi. Bolalar ulg'ayib, alday boshlaganida, aybdorni atrofdan izlaymiz. Aslida esa, ayb o'zimizda. Faqat buni tan olib, xatolar ustida ishlash kerak. Aks holda...

BILASIZMI?

Mobil aloqa operatori mijozga o'z vaqtda va sifatli xizmat ko'rsatishi shart.

Operator quyidagi holatlar uchun abonent oldida javobgardir:

- shartnomada belgilangan mobil aloqa xizmatlarini ko'rsatish muddatlarining buzilishi;
- shartnomada ko'rsatilgan va abonent tomonidan talab qilingan mobil aloqa xizmatlarining barcha turlarini ko'rsatmaganlik;
- mobil aloqa xizmatlarini sifatli ko'rsatish.



Mobil aloqa xizmatlari sifati bo'yicha shikoyatlarni Aloqa axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasida nazorat bo'yicha inspeksiyasiga 1144 ishonch telefoni orqali yuborish mumkin.

(Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axbrot kanali).

ANA XOLOS!

O'tdimi-o'tdi

E.ABDUJABBOROV

"Sovplastital" kichik sanoat zonasida Chilonzor tumani hokimligi, prokuratura hamda Yoshlar ittifoqining mahalliy kengashi hamkorligida mehnat yarmarkasi tashkil etildi. Unda sanoat zonasida joylashgan 26 ta tadbirkorlik sub'ekti 321 ta, tumandagi boshqa korxon va tashkilotlar esa, 120 dan ortiq bo'sh ish o'rni bilan qatnashdi.

Bundan tashqari, tijorat banklarining filiallari "Har bir oila — tad-

birkor", "Yoshlar — kelajagimiz" dasturlari asosida aholi, ayniqsa, yoshlarga taqdim etilayotgan uzoq muddatli imtiyozli kreditlar haqida ma'lumotlarni namoyish etdi.

Tashkilotchilarning aytishicha, mehnat yarmarkasiga mahallalardan 450 nafardan ziyod ishsiz fuqarolar, o'z bitta kasb-hunar kollejinidagi 1 ming 500 nafar bitiruvchisi taklif qilingan. Biroq peshingacha atrofda bironota ham yoshni uchratmadik. Hamma darsda bo'lsa kerak...

Qish mavsumida e'tiborni kuchaytiring

I.MAHAMADZOKIROV,
Yakkasaroy tumani yong'in xavfsizligi boshqarmasi inspektori

Aksariyat holatlarda yong'in mast holda uyda sigareta tutatib, uxlab qolish, gaz hamda elektr asboblardan noto'g'ri foydalanish natijasida kelib chiqadi.

Bunday e'tiborsizlik odamlarning mol-mulkigagina emas, balki sog'lig'iga ham jiddiy zarar yetkazadi.

Shu bois isitish jihozlarni ishlatishda xavfsizlik qoidalariga qat'iy rioya qilish, nosoz yoki qo'lbolma moslamalardan foydalanmaslik, ularni nazoratsiz qoldirmaslik, spirtli ichimlik iste'mol qilgandan so'ng, yong'in xavfini keltirib chiqarishi mumkin bo'lgan xatti-harakatlarni sodir etmaslik zarur. Bunday ehtiyot choralarini yong'in holatlarining oldini olishda yordam beradi.

Yaqinlashib kelayotgan qish mavsumida doimo ogoh, sergark va e'tiborli bo'lishni unutmang.

<p>MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI</p> <p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.</p> <p>Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdaliyevich</p>	<p>TAHRIR HAY'ATI</p> <p>Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abdugodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")</p>	<p>Dizayner Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich</p> <p>Navbatchi Hasan Usmonov</p>	<p>"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.</p> <p>belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.</p>	<p>Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks) E-mail: yoshlarovozi@umail.uz</p> <p>"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.</p> <p>Indeks: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda.</p> <p>Buyurtma G-1036 Adali — 11583</p> <p>Boshqacha to'plash vaqt — 21.00 Topshirildi — 00.45 O'zA yakuni — 22.40</p>
---	---	--	---	--

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.